

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 143-ҳадис

143 - عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَتْ: حَسَّفَتِ الشَّمْسُ فِي حَيَاةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْمَسْجِدِ، فَقَامَ كَبَرَ وَصَافَّ النَّاسُ وَرَاءَهُ، فَاقْتَرَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِرَاءَةً طَوِيلَةً، ثُمَّ كَبَرَ فَكَعَ بُكُوعًا طَوِيلًا، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ فَقَالَ: «سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ، رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ». ثُمَّ قَامَ فَاقْتَرَأَ قِرَاءَةً طَوِيلَةً، هِيَ أَدْنَى مِنِ الْقِرَاءَةِ الْأُولَى، ثُمَّ كَبَرَ فَكَعَ بُكُوعًا طَوِيلًا، هُوَ أَدْنَى مِنَ الرُّكُوعِ الْأُولَى، ثُمَّ قَالَ: «سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ، رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ». ثُمَّ سَجَدَ - وَمَنْ يُكْرِزْ أَبُو الطَّاهِرِ: ثُمَّ سَجَدَ - ثُمَّ فَعَلَ فِي الرُّكْعَةِ الْأُخْرَى مِثْلَ ذَلِكَ، حَتَّى اسْتَكْمَلَ أَرْبَعَ كَعَاتٍ، وَأَرْبَعَ سَجَدَاتٍ، وَانْجَلَتِ الشَّمْسُ قَبْلَ أَنْ يُنْصَرِفَ، ثُمَّ قَامَ فَخَطَبَ النَّاسَ، فَأَتَتْنَى عَلَى اللَّهِ بِمَا هُوَ أَهْلُهُ، ثُمَّ قَالَ: «إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ آيَاتٌ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ، لَا يَخْسِفُانِ لِمَوْتٍ أَحَدٍ وَلَا لِحَيَاةٍ، فَإِذَا رَأَيْتُمُوهَا فَاقْرَعُوا لِلصَّلَاةِ». وَقَالَ أَيْضًا: «فَصَلُّوا حَتَّى يُفَرِّجَ اللَّهُ عَنْكُمْ». وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «رَأَيْتُ فِي مَقَامِي هَذَا كُلَّ شَيْءٍ وُعِدْتُمْ، حَتَّى لَقَدْ رَأَيْتُنِي أُرِيدُ أَنْ آخُذَ قِطْفًا مِنَ الْجَنَّةِ حِينَ رَأَيْتُمُونِي تَأْخَرْتُ، وَرَأَيْتُ فِيهَا ابْنَ حُجَّيْرَ، وَهُوَ الَّذِي سَيَّبَ السَّوَابِقَ»، وَانْتَهَى بَعْضُهَا بَعْضًا حِينَ رَأَيْتُمُونِي تَأْخَرْتُ، وَرَأَيْتُ فِيهَا ابْنَ حُجَّيْرَ، وَهُوَ الَّذِي سَيَّبَ السَّوَابِقَ، وَانْتَهَى حَدِيثُ أَبِي الطَّاهِرِ عِنْدَ قَوْلِهِ: «فَاقْرَعُوا لِلصَّلَاةِ». وَمَنْ يُكْرِزْ مَا بَعْدَهُ.

[خ 1044، م 901، ت 561، س 1465، د 1177، جه 1263.]

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётликларида қуёш тутилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга чиқдилар. Туриб, такбир (таҳрима) айтдилар. Одамлар ортларига саф тортишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам узоқ қироат қилдилар. Кейин такбир айтиб, узоқ рукуъ қилдилар. Кейин бошларини кўтариб, «**СамиъАллоҳу лиман ҳамидах, Роббанаа ва лакал-ҳамд**», дедилар-да, сўнг туриб, узоқ қироат қилдилар. Бу аввалги қироатдан озроқ эди. Кейин такбир айтиб, узоқ рукуъ қилдилар. Бу аввалги рукуъдан озроқ эди. Кейин: «**Самиъаллоҳу лиман ҳамидах, Роббанаа ва лакал-ҳамд**» деб, сўнг сажда қилдилар – Абу Тоҳир «сўнг сажда қилдилар»ни зикр қилмаган – Сўнгра кейинги ракъатда ҳам худди шундай қилдилар. Ниҳоят, мукаммал тўрт рукуъ ва тўрт сажда қилдилар. Қуёш кўринганда ҳали ўғирилмаган эдилар. Кейин туриб, одамларга хутба қилдилар. Аллоҳга У Зотнинг Ўзига яраша сано айтдилар-да, сўнг: «**Қуёш ва ой Аллоҳнинг оят-аломатларидандир. Улар бирор кишининг ўлими ёки туғилиши туфайли тутилмайди. Агар уни кўрсангиз, намозга шошинг**», дедилар. Яна: «**Аллоҳ уни сиздан кушойиш қилмагунча намоз ўқинг**», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Мана шу турган еримда сизларга ваъда қилинган барча нарсани кўрдим. Ҳатто сизлар менинг олдинга қадам босганимни** – Муродий «**олдинлаганимни**» деб айтган – **кўрганингизда жаннатдан бир шингил олмоқчи бўлган** эдим. Сизлар менинг ортга тисарилганимни **кўрганингизда эса жаҳаннамнинг ўз-ўзини парчалаётганини кўрдим. У ерда Ибн Лухайнини кўрдим. Соibalарни жорий қилган ўша эди**».

Абу Тоҳирнинг ҳадиси «...намозга шошинг», деган сўзида тугаган. Ундан ўғини зикр қилмаган.

Ином Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

* Кусуф – қуёш тутилиши. Кусуф намози – қуёш тутилганда ўқиладиган намоз.

* «Соиба» луғатда «қўйиб юборилган» деган маънони англатади. Жоҳилият даврининг бузук одатларидан бири шу эдики, бир киши сафардан келгани, касалдан тузалгани ёки шунга ўхшаш бирор сабаб туфайли бир тяни олиҳалар учун назр қиласар эди. Кейин уни миниш, ишлатиш мумкин бўлмай қолар, сувдан, ўт-ўландан тўсилмас эди. Ана шундай тия «соиба» дейилган.



NUBUVVAT MARVARIDLARI